

“АГРОБАНК” ДА
БАРЧАСИ ТЕЗ ВА
ОСОН

АКАДЕМИЯДА
ХАЛҚАРО
СЕМИНАР

ИНФЛЯЦИОН
ТАРГЕТЛАШ
РЕЖИМИГА
ЎТИШНИНГ
ДӨЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ



“ҚИШЛОҚ
ҚУРИЛИШ
БАНК”НИНГ
ИНВЕСТИЦИОН
ЛОЙИХАЛАРИ

“ТУРОНБАНК”
НИНГ МИЛЛИЙ
ВА ХОРИЖИЙ
ВАЛЮТАДАГИ
ПЛАСТИК
КАРТОЧКАЛАРИ
БИЛАН
ПУЛЛАРИНГИЗНИ
ИШОНЧЛИ
САҚЛАНГ ВА
САРФЛАНГ

САМОЛЁТДА
ФАҚАТ ПУЛИ
КЎПЛАР
УЧМАЙДИ...

“Ўзбекистон ҳаво
йўллари”га айтилган
ва айтилиши лозим
бўлган гаплар



“ЁЛФИЗОЁҚ
ЙЎЛ”ДАН
ЮРАЁТГАН
ҚАҲРАМОН

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ № 47 (1226) 2019 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

t.me/financeuz

Сайтимишга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



MASTERCARD ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙДИ



Жорий йилнинг декабрь ойидан бошлаб Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) бутун Ўзбекистон бўйлаб Mastercard карталарида тўловларни қабул қилиш лойиҳасини ишга туширди. Эндиликда Mastercard карта эгалари бутун Ўзбекистон бўйлаб Humo терминаллари орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Шу муносабат билан Миллий банклараро процессинг маркази пойтахтимизда Mastercard халқаро тўлов тизими билан ҳамкорликда матбуот анжумани ташкил этди. Унда марказ раҳбарияти, Mastercard халқаро тўлов тизими вакиллари ҳамда тижорат банклари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

– Бизнинг компания Mastercard билан барча техник ишларни муваффақиятли яқунлаб, уни HUMO тизимига

бириктирди, – дейди МБПМ директори Шухратбек Қурбонов. – Бу хизмат мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун янада кенг қулайликлар яратиб, халқаро тўлов хизматларини тезда амалга ошириш имконини беради.

– Карталаримиз орқали нақд пулсиз, хавфсиз ва воситачисиз тўловларни амалга ошириш осон ва жуда қулайдир, – дейди Грузия ва Ўрта Осиё худудлари бўйича Mastercardнинг бош

директори Игорь Степанов. – Бу Ўзбекистон иқтисодиётини янада очиқ ва ҳаракатчан қилувчи нақдсиз тўловларнинг янада жадалроқ ривожланишига замин яратади.


Шу кунгача мамлакатимизда 800 дан ортиқ HUMO банкомати фаолият кўрсатаётган эди. Энди 170 000дан ортиқ HUMO терминаллари ўрнатилиши кутилмоқда. Бу терминаллар орқали Mastercard карталари ҳам қабул қилиниб, турли тўловлар амалга оширилади.

Бу хизматларнинг жорий қилиниши юртимизда туризмни ривожланишига ҳам туртки беради. Эндиликда сайёҳлар HUMO терминаллари орқали Mastercard карталари билан турли хизмат ва харидларни амалга ошириши мумкин.

Ситора ОХУНОВА

“ИПОТЕКА-БАНК”ДАН ИННОВАЦИОН ТАКЛИФ

Хориждан келувчи пул маблағларини банкка бормасдан пластик картага тушганини эшитганмисиз?! Ёки чет давлатга бирор сабаб билан пул жўнатмоқчи бўлсангиз гаджетлардан фойдаланишни-чи? Энди бунинг имконияти туғилди. Яқинда “Ипотека-банк” АТИБ халқаро техник интегратор корхона – PAYMO ҳамкорлигида “Paysend” инновацион хизматини Ўзбекистонда жорий қилди.



Эндиликда “Paysend” инновацион хизмати орқали миллий карталарга халқаро онлайн пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилди.

Мазкур хизмат туридан фойдаланганда пул ўтказмаларини юбориш ёки қабул қилиб олиш учун банкка таширф буюриш шарт эмас. Энди Ўзбекистонда пул ўтказмаларини онлайн тарзда paysend.com сайти орқали амалга оширишингиз ёки App Store/Google Play дан “Paysend” иловасини ўзингизга юклаб олсангиз kifoya.

(Давоми 3-саҳифада)



УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортни рағбатлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5286-сонли ҳамда 2018 йил 29 ноябрдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5587-сонли Фармонлари ижросини таъминлаш, хусусан “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ва Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳомашё биржаси раҳбарларининг Москва шаҳрига ташрифи доирасида, жорий йилнинг 29 ноябрида Ўзбекистон элчихонасининг Россия Федерациясидаги ходимлари иштирокида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки, “Азия Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳомашё биржаси ўртасида уч томонлама ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Мазкур Меморандум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Товар-ҳомашё биржалари фаолияти самардорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4484-сонли қарорида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш доирасида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки, “Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳомашё биржаси” ва “Азия Инвест Банк” ҳамкорлигидаги фаолиятини ривожлантириш, мижозлар ўртасидаги ҳисоб-китоб операцияларини ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун ягона хизмат кўрсатиш механизмининг жорий этиш ва алоҳида инфратузилмани такомиллаштиришни таъминлайди.

Ушбу механизм биржа савдолари ҳисоб-китобларини оптималлаштиришда қўшимча банк воситаларидан фойдаланишга имкон бериш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Фе-

дерацияси ўртасидаги ташқи савдо ҳажмини ошириш бўйича стратегик вазифаларни ҳал қилиш учун ҳам хизмат қилади.

Имзоланган Меморандум, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига алоҳида эътибор беришни ҳам назарда тутди.

Р.С: Бугунги кунда вакилик ҳисобварақлари орқали мижозларнинг ҳисоб-китоб операцияларини оптималлаштириш ва такомиллаштириш, ташқи савдо айланмаси ҳажмини ошириш ва банк мижозларининг ҳаражатларини минималлаштириш, шунингдек транзакциялар хавфсизлигини таъминлаш, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

**Сабоҳат
ХАЙИТҚОРИЕВА**

СТАТИСТИКА

2019 йилнинг ноябрида истеъмол нархлари даражасининг ой давомидаги ўртача ўсиш суръати 1,7 фоизни ташкил этди.

2019 йил бошидан истеъмол бозоридаги товарлар ва хизматлар нархлари 13,3 фоизга қимматлашди. 2018 йилнинг ноябрь ойига нисбатан республика истеъмол секторидagi ўртача нархлар даражаси 15,6 фоизга ошган.

Таққослаш учун: 2018 йилнинг ноябрида товар ва хизматлар нархлари ой давомида ўртача 2,3 фоизга, 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 12,0 фоизга, 2017 йилнинг ноябрига нисбатан эса 16,5 фоизга қимматлашган.

Ўртача ойлик нарх индекслари ўсиш суръатининг ҳисобланмиш тартибига кўра, 2019 йилнинг январь-ноябрь ойлари давомидаги истеъмол нархлари индекси 1,1 фоизни, 2018 йилнинг январь-ноябрь эса 1,0 фоизни ташкил этган. Шу тариқа, ноябрь ойи давомида умумий истеъмол нархлари индекси жорий йилнинг январь-ноябрь ойларидаги ўртача ойлик ўсиш суръати кўрсаткичидан 0,6 даражага юқори бўлди.

2019 йилнинг январь-но-

ЎЗБЕКИСТОНДА НОЯБРЬ ОЙИДА НАРХЛАР ҚАНЧАГА ОШДИ?



ябрь ойлари давомидаги нархларнинг энг юқори ўсиши ва пасайиши август (ўсиш суръати 2,9 фоиз) ҳамда июнь (пасайиш даражаси 0,5 фоиз) ойларига тўғри келади. Шу тариқа, жорий йилнинг ноябрь ойидаги истеъмол нархлари индекси ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-ноябрь ойидаги максимал кўрсаткичдан 1,2 даражага паст, минимал натижадан 2,2 даражага юқори бўлди.


Таққослаш учун: ўтган йилнинг мос давридаги қисқа даврли ойлик истеъмол нархлари индекси динамикаси таҳлили натижаларига кўра, умумий кўрсаткичнинг энг юқори ўсиши январь ойида (2,7 фоиз), сезиларли даражада пасайиши эса июнь ойида (0,4 фоиз) қайд этилган.

2019 ва 2018 йилларнинг ўн бир ойи давомидаги қисқа даврли ойлик умумий истеъмол нархлари индекси таққослаш натижалари шунини кўрсатмоқдаки, кўрсаткичлар орасидаги максимал чекиниш яна август ойида (2019 йилдаги 102,9 фоизга қарши 2018 йилдаги 100,3 фоиз), ноябрь ойидаги фарқ эса 0,6 даражани ташкил этган (2019 йил ноябрдаги 2,3 фоизга қарши 2018 йил ноябрь ойидаги 1,7 фоиз).

Ўтган йилнинг охирига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 14,8 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 10,4 фоиз ва хизматлар 14,9 фоизга қимматлашган, дейлади Давстатқўм хабарарида.

ЎЗА

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ХОРИЖДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙўЛИДА



Хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларни ҳар томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 28 ноябрь куни “Микрокредитбанк” АТБ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат вазирлиги ҳамда “Ўзагросуғурта” АЖ ўртасида айнан шу масалага бағишланган ҳамкорлик меморандумларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Уч томонлама ҳамкорлик муносабатларини назарда тутувчи “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига микроқарзлар тақдим этиш бўйича ҳамкорлик меморандуми”га кўра, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган Ўзбекистон Республи-

каси фуқароларига хорижда ишга жойлашиш ҳаражатларини қоплаш мақсадида бир йил муддатга икки миллион сўм миқдорда микроқарзлар тақдим этилади.

Бунда микроқарзларни расмийлаштириш ҳараёни бир банк кунда амалга оширилиб, бунинг учун паспорт, ариза каби минимал ҳужжатлар талаб қилинади.

Микроқарзларнинг йиллик фоизи 2019-2020-йилларда 10 фоиз ва 2021-йилда 12 фоиз этиб белгиланган.

Мазкур кредитлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “labour-migration” дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган меҳнат мигрантларига берилади.

Ушбу меморандумнинг имзоланиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш йўлида жорий қилинаётган катта имкониятлардан биридир.

finance.uz

“АГРОБАНК” ДА БАРЧАСИ ТЕЗ ВА ОСОН

Шу кунларда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки мижозлар учун бир қатор қулай ва замонавий инновацион хизмат турларини амалиётга жорий этмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги “Hyatt regency” меҳмонхонасида “Агробанк” АТБ томонидан республикада биринчи бўлиб йўлга қўйилган “Сбербанк-Агробанк онлайн пул ўтказмалар” янги хизмат тури тақдироти ўтказилди.

Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари, банк мижозлари ва ҳамкорлари, тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Тақдиротида “Агробанк” АТБ Бошқарувчи директор – Бошқарув раиси ўринбосари Азамат Тўраев мазкур янги хизмат имкониятлар ва қулайликлари ҳақида йиғилганларга маълумот берди.

Таъкидландики, ушбу хизмат Россия ва Ўзбекистондаги

иккита йирик банклар “Агробанк” ва “Сбербанк”ларнинг ҳамкорлиги доирасида жорий қилинди.

Маълумки, бугунги кунда, Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари орқали келадиган маблағларнинг асосий қисми Россия Федерацияси шерик сифатида танлаш энг маъбул йўлди.

Мазкур банк бугунги кунда нафақат Россияда балки МДХ ва хорижий банклар ўртасида масофавий хизматлар кўрсатишда ўз ўрнига эга. Халқаро рейтингларда ҳам юқори натижаларга

эришган йирик банклардан бири ҳисобланади.

Сбербанк билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа эса “Агробанк” ва унинг мижозлар учун кўплаб қулайликлар яратади.

Хусусан, эндиликда аҳоли пул жўнатиш ва уни олиш учун банк филиалларига бориши шарт эмас. Шу билан бирга маблағни Россиядан Ўзбекистонга 24 соат давомида дам олиш кунлари ҳам юбориши мумкин.

Шу кунга қадар, Россиядан Ўзбекистонга пул жўнатиш вақт талаб этадиган жараён эди. Бунда пулни жўнатувчи аввал картадаги пулни олиб, кейин энг яқин банк бўлимига ташриф буюрган ҳолда пул ўтказмаси тизимидан фойдаланган. Ўз навбатида, маблағни олувчи ўзига энг яқин банк филиалини топиши ҳамда банк иш кунида вақт ажратиши керак эди.

Бундан ташқари, Россиядан туриб Ўзбекистонга пул маблағларни юбориш учун учинчи шахс хизматларидан фойдаланишга ҳам тўғри келарди.

Эндиликда бу жараён автоматлаштирилган бўлиб, Россиядаги барча Сбербанк филиалларида ва “Сбербанк Онлайн” мобил иловаси орқали амалга оширилади ва маблағлар мобил илова орқали Россия рублини автоматик равишда олувчининг, яъни “Агро-



банкнинг “Хумо” пластик картасига сўмда онлайн тарзда ўтказиб берилди.

Кишида Ўзбекистонга пул жўнатиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун аввало, Ўзбекистондаги қабул қилувчининг телефон рақами киритилиб, рублда керакли сумма кўрсатилади ҳамда автомат тарзда телефон рақамига боғланган сўм пластик картасининг ҳисобига маблағ онлайн ўтказиб берилди.

Бунда, Россия рублида қабул қилиб олинган маблағ автомат тарзда сўм пластик картага конвертация қилинади.

Юборилган маблағни мамлакатимиздаги барча савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги тўлов терминаллари орқали савдо қилишлари ҳамда банкوماتлардан нақд пул маблағлари кўринишида ечиб олишлари ёки “Agrobankmobile” илова-

сидан фойдаланиб тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, “Агробанк” ҳозирги вақтда “P2P” хизмати ёрдамида маблағларни “Агробанк” пластик карталаридан Сбербанк пластик карталарига ўтказиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Тез орада ушбу хизматни “Agrobankmobile” иловаси ёрдамида ҳам амалга ошириш имконияти яратилади.

Бу каби саъй-ҳаракатлар аввало, хизматлар сифатининг яхшиланишига, банк хизматлари оммабоплигига, хизматлар кўламининг ошишига замин бўлиш билан бир қаторда аҳоли ва мижозлар учун банк хизматларидан самарали фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб беради.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ўзларни қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

Рустам Пўлатов



(Бошланиши 1-саҳифада)

“Paysend” реал вақт режимида турли мамлакатларнинг банк карталари ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга оширишда дунёдаги биринчи ва ниҳоятда қулай шартларда амалга оширувчи хизмат тури ҳисобланади.

“Paysend” Буюк Британия ва Шотландияда рўйхатдан ўтган Paysend plc. компаниясининг савдо белгиси ҳисобланиб, бугунги кунга келиб 70 давлатни ўз ичига қамраб олган. Буюк Британия, Германия, Швейцария, Австрия каби ривожланган давлатларда ҳам ўз фаолиятини юритади. Шу кунга қадар “Paysend” фойдаланувчиларининг сони бир ярим миллионга яқинлашиб қолди.

– “Ипотека-банк” АТИБ ҳамкорлигида Ўзбекистон бозорига кириб келганимиздан жуда мамнунмиз. Бу минтақада улкан салоҳият мавжудлигига ҳамда узоқ ва самарали ҳамкорликка умид қиламиз, – дейди “Paysend” хизматининг Пул ўтказмалари йўналиши раҳбари Дмитрий Пальчиков. – Бизнинг асосий вазифамиз дунёда замонавий халқаро пул ўтказмаларини жорий этиш. Бунда ортиқча қоғоз тўлдиришлар, ҳисобрақамлар, нақд пуллар иштирокисиз ва навбатда туришларсиз картадан картага пул ўтказмалари амалга оширилади.

“Paysend”да халқаро пул ўтказмалари учун аниқ белгиланган, ўтказмаларнинг ҳажмидан қатъи назар юборувчидан олиб қолинанидан комиссия (устама) қуйидагича: Россиядан 49 RUB, Қозғистондан 199 KZT, Европадан 1.50 EUR ни ташкил қилади. Ми-



“ИПОТЕКА-БАНК”ДАН ИННОВАЦИОН ТАКЛИФ

жоз кунига уч марта бу хизмат туридан фойдалана олади. Куннинг исталган вақтида, исталган жойда бу жараённи амалга оширсан бўлади.

“PAYMO” халқаро корхонасининг бир бўлаги ҳисобланган “PAYMO. Uzbekistan” молия соҳасидаги хавфсиз АТ ва инновацион ечимни мамлакатимизга тақдим этмоқда. Компания МДХ давлатлари, жумладан Россия Федерацияси, Қозғистон каби давлатларда кўплаб муваффақиятли лойиҳаларни амалга оширган. Россия бозорига “PAYMO” “ВТБ”, “Промсвязьбанк”, “Альфа банк” каби етакчи банклар билан ишлаган.

– Бундай халқаро тажриба бизга Ўзбекистондаги банклар билан ишлашга, электрон тижоратни ривожлантиришга, мамлакатнинг тўлов тизимини

такомиллаштиришга ёрдам беради, – дейди, “PAYMO. Uzbekistan” директори Ильхом Идиев. – “Ипотека-банк” АТИБ “PAYMO”ни техник интегратор сифатида танлаганидан жуда хурсандмиз ва бизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз қулай ва фойдали халқаро “р2р” шаклидаги онлайн пул ўтказмаларининг янги даврини Ўзбекистон дерида бошлаб беради.

“Paysend” хизматининг барча техник ечимлари замонавий банк стандартлари ва ҳимояланган энг юқори PCI DSS Level 1 стандартига мувофиқ сертификатланган.

“Paysend” орқали амалга оширилаётган барча амалиётлар, жумладан, турли хизматлар, пул ўтказмалари, фойдаланилаётган банк карталарининг барчаси, “Paysend” фаолият кўрсата-

ётган мамлакатларнинг қонунчилиги талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Маблағларни ўтказиш хавфсизлиги 3Dsecure технологияси билан таъминланади. “Paysend” шунингдек, карталарни текшириш ва фибригарликдан ҳимоя қилиш учун ўз дастурларидан фойдаланади.

“Paysend” халқаро тўлов тизимлари ва маҳаллий шериклар билан тўғридан-тўғри интеграцияни амалга ошириб, фойдаланувчига Visa, Mastercard ва MIR карталари ва оддий банк ҳисобрақамларидан Ўзбекистонга пул ўтказмаларини амалга оширишга имкон беради.

– Ушбу замонавий хизмат турини мамлакатимизда жорий қилинишида, аввало хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимиз манфаатидан келиб чиқдик, – дейди “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарув Раиси Шуҳрат Атабаев. – Эндиликда, юртдошларимиз Visa, Mastercard ва MIR карталари орқали мазкур хизмат турига уланиб пул ўтказмаларини амалга ошириш имконига эга бўлишади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, бу хизмат турининг комиссия (устама)си бошқа пул ўтказмаларидан анча арзон.

Доим инновацион гоёларни ўз амалиётига жорий қилиб, аҳолига қатор қулайликлар яратувчи “Ипотека-банк” АТИБнинг бу сафарги уриниши ҳам халқимиз оғирини енгил қилиши тайин.

Лобар ҚОСИМОВА,
“Ипотека-банк” АТИБ
Ахборот ва банк брендини
бошқариш хизмати раҳбари
ўринбосари



РОССИЯ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу йилнинг 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида “Ўзмилийбанк” ҳамда Россия ташқи иқтисодий банки (ВЭБ.РФ) ҳамкорлигида илмий-маърифий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Россия Ташқи иқтисодий банки (ВЭБ.РФ) мутасаддилари, “Ўзмилийбанк” раҳбар ва ходимлари, Академиянинг профессор-ўқитувчилари, тижорат банклари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Унда Россия Ташқи иқтисодий банки (ВЭБ.РФ) катта вице президенти Сергей Евдокимов “Бизнес-жараёнлар ва келишувларни таркиблаштиришнинг хусусиятлари. Лойиҳавий молиялаштиришда давлат кўмагининг чоралари” мавзусида маъруза қилди. У асосан, Россиянинг мазкур банки томонидан молиявий лойиҳалаштириш бўйича олиб борилаётган вазибаларга тўхталди. У банк соҳасида мамлакатимиз билан олиб борилаётган ҳамкорлик

алоқалари ҳамда келгусида амалга оширилиши кутилаётган мақсад ва вазибалар ҳақида ҳам сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки – Ўзмилийбанк (НБУ) билан Россия Ташқи иқтисодий банки ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, “Ўзмилийбанк” асосан, Россиянинг лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тажрибаларини ўрганмоқда.

Тадбирда “Миллийбанк”нинг бошқаруви раиси Алишер Мирсоатов банклараро халқаро муносабатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, ўзаро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганлигига алоҳида урғу берди.

Куннинг иккинчи ярмида “Лойиҳаларни таркиблаштиришдаги ёндашувлар” мавзусида мастер-класс ўтказилди. Академия тингловчилари ушбу машғулотларда фаол қатнашиб, молиявий лойиҳалар тузиш ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашди.

Ўз мухбиримиз.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Халқ банк хорижий мамлакатларда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари учун юртимизда ишлаб чиқарилган энгил автомашиналар сотиб олиш учун имтиёзли автокредит тақдим этмоқда.

ХОРИЖДА ИШЛОВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ИПОТЕКА ВА АВТОКРЕДИТ

Банк шартларига кўра, кредит 36 ой муддатга ва 1 ойлик имтиёзли давр билан ажратилади. Кредитнинг омонат миқдори автомашинанинг камида 35 фоизи миқдорида тўланади.

Кредитнинг фоиз ставкаси Актив ва пасивларни бошқариш кўмитасининг қарорига мувофиқ белгиланади.


Шунингдек, банк томонидан ипотека кредити ҳам ажратилмоқда. Эндиликда, хорижий мамлакатларда ишловчи Ўзбекистон фуқароларига бирламчи бозордан уй-жойлар сотиб олиш учун ипотека кредитлари берилади.

Кредит 120 ой муддатга, имтиёзли даврсиз ажратилади. Кредитнинг максимал миқдори ИХБХМнинг 2 500 ба-робаригача деб белгиланган.

Омонат миқдори эса камида 25 фоизи миқдорида тўланади.

Кредитнинг фоиз ставкаси Актив ва пасивларни бошқариш кўмитасининг қарорига мувофиқ белгиланади.

Банк Ахборот хизмати



Республикамизда сўнгги йилларда банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутаяди. Шу боис ушбу молиявий институтларнинг барқарорлигини ва ҳаётдаги ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлат улушига эга бўлган тижорат банкларида замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фаолият самарадорлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали уларнинг шаклини ўзгартириш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Банк секторини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида тижорат банкла-

АКАДЕМИЯДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

ри ходимларининг билими ва малакасини оширишни тақозо этмоқда.

Жорий йилнинг 31 октябрь санасида қабул қилинган “Банк-молия соҳасида кадрлар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4503-сонли қарор ҳам айнан шу соҳани ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида банк, молия соҳасида бошқарувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида халқаро стандартларга ва илғор хорижий

тажрибага асосланган тизимли ёндашувдан келиб чиқиб таълим берилмоқда. Академия корпоратив бошқарув, молиявий менежмент, аудит, молиявий хатарларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари, қимматли қоғозлар бозори соҳаларида банк секторининг юқори малакали кадрларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўқув жараёнига етакчи таълим муассасалари ва банк-молия секторидан юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этмоқда.

Ўзбекистон Республика-

си Банк-молия академияси ташаббуси билан “Буюк келажак” нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида 14-28 ноябрь кунлари Халқаро молия корпорацияси(ХМК) экспертлари иштирокида семинарлар ташкил қилинди. Ушбу семинар доирасида жаҳоннинг нуфузли ташкилотларида фаолият юритувчи, банк ва молия бошқаруви соҳасида юқори тажрибага эга иқтисодчи олимлар Академияга ташриф буюрдилар. Улар тингловчилар учун банк соҳасини янада ривожлантириш, жаҳон тажрибаларини

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи банкларда жорий этишнинг замонавий усуллари, янги хизмат турларини яратиш бўйича қимматли маълумотлар бердилар. Семинарда Академия тингловчилари банк секторидagi мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг жаҳон амалиётидаги усулларидан бохабар бўлишди.

Ушбу дастур доирасида Хельма Пурвинска (Латвия), Е.Ю.Горохов (Россия), К.Данильченко (Россия), А.Пикер (Австрия), А.Бхандула (Ҳиндистон), А.Балуни (Ҳиндистон), Х.Шерози(Ҳиндистон) лар Академияда ўзларининг маърузалари билан иштирок этдилар.

Маъруза давомида тингловчилар жаҳон банкларининг амалиётлари, рискларни ва лойиҳаларни бошқариш каби назарий билимларга эга бўлдилар. Семинарларда Академия тингловчилари ҳам фаол иштирок этишди.

Халқаро тажрибаларга асосланган ана шундай семинарлар орқали банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш билан мамлакатимизда банк секторини ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Гўзал ҚОДИРОВА,
ЎЗР Банк-молия академияси матбуот котиби.



ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА ЎТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Инфляцион таргетлаш режимига ўтиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий, инновацион ривожланиш йўлига ўтиш босқичида инфляцияга қарши курашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли "Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, мазкур Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ички нархларнинг барқарорлигини таъминлашда ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришиш принциплари ва механизмларини хорижий марказий банклари томонидан қўлланиладиган инфляциявий таргетлаш режимига ўтиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли "Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, илгор хориж тажрибасига таянган ҳолда, инфляцияцион таргетлаш режимини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маъжамасининг қуйидаги йўналишларга қаратилган мувофиқлаштирилган тайёргарлик ишларини амалга ошириш вазифаси қўйилди:

- инфляциячининг номонетар омиллари ролини босқичма-босқич пасайтириш, шу жумладан, тарифларни тартибга солишни ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг реал секторда таркибий иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш ва ички бозорни истеъмош товарлари билан тўлдириш;

- Марказий банкининг макроиктисодий таҳлил ва коммуникация сиёсати сифатини ошириш;

- регуляторнинг кредит бозорига самарали таъсир этишини таъминлаб берувчи, пул бозорини тартибга солишнинг янги инструментларини жорий этиш.

Мазкур Фармонга асосан, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашнинг кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тўздатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляция мақсадини (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини

босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш талаби қўйилди.

Шунингдек, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамаси ва Марказий банкининг инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари концепцияси тасдиқланди ва ушбу Концепцияга мувофиқ, 2020 йилда инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" маъқулланди.

Шуниси аҳамиятлики, Фармонга мувофиқ, 2020 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги кредитлар, шу жумладан давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада белгиланади (ипотекани кредитлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларини етиштириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратиладиган кредитлар бундан мустасно) ва 2021 йил 1 январдан, зарур ҳолларда, фоиз харажатларининг маълум бир қисmini компенсация қилиш механизмларини жорий этиш орқали тижорат банкларига фоиз ставкаларини мустақил белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда кредитларни имтиёзли фоиз ставкаларида бериш амалиёти бекор қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта давлат бюджети тақчиллиги бўйича меъёрий талаб жорий этилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги умумий фискал баланс тақчиллигини 2022 йилда 1,5 фоиздан ошмайдиган даражада босқичма-босқич камайиштиришни таъминлаш вазифаси юқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимига мослаштиришнинг қуйидаги йўналишлари ўз аксини топган:

- 2020 йилнинг 1 январига қадар пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатувчи бозор инструментлари, шу жумладан Марказий банк олигациялари, овернайт депозитлар, доимий тусдаги



депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернайт кредитлари;

- 2020 йил давомида фоиз ва валюта хатарларини бошқаришда ҳосилавий инструментлар (своп, опцион ва фьючерслар) ва тижорат банкларининг валюта курси шаклланишидаги ролининг босқичма-босқич ошириб борилиши;

- бир ой муддатда Марказий банкининг банклараро пул бозорига мунтазам интервенцияси орқали мослашувчан фоиз сиёсатини амалга оширишда асосий фоиз ставкасининг фоиз коридори механизми;

- 2020 йилнинг 1 апрелига қадар халқаро молия институтларининг техник кўмаги ҳамда илгор халқаро тажриба асосида эконометрик моделлаштириш инструментларини ривожлантиришни назарда tutuvchi макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш тизими;

- икки ой муддатда Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги жорий ҳолат, инфляция жараёнларининг асосий омиллари ва пул-кредит сиёсати чораларининг ўз вақтида ёритилишини кўзда tutuvchi коммуникацион сиёсатнинг замонавий тамойиллари;

- инфляция ва инфляцион кутилмалар омилларини доимий ўрганиб бориш, халқаро молия институтлари ва бошқа давлатлар марказий банклари техник кўмагини жалб этиш орқали илгор хорижий тажрибани ўрганиш.

ХВФ экспертларининг фикрига кўра, инфляцион таргетлашдан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш учун иккита шариоит мавжуд бўлиши лозим. Биринчидан, Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Марказий банк ҳукумат мақбул деб ҳисоблаган инфляция даражасига эришиш учун монетар инструментларни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Мамлакатда бюджет-солиқ сиёсатининг талаблари пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар сифатида инобатга олинмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатда "бюджет гегемонлиги" тушунчаси мавжуд бўлмаслиги лозим. Иккинчидан, инфляциянинг мақсади кўрсаткичи индикатор сифатида танлаб олинishi учун уш ҳақнинг ўсиши,

аҳоли бандлиги даражаси ва алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилашмаслиги лозим. Бунинг сабаби шундаки, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан курсининг белгилаши Марказий банкни, ўзининг пул-кредит сиёсатини, ана шу кўрсаткични бажариш учун мослаштиришга мажбур қилади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкка инфляциянинг мақсадли кўрсаткичининг таъминлаш учун монетар инструментлардан эркин ва тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Натижада, пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадларининг мазмунида икки ёқламалик, қарама-қаршилик юзага келади.

Инфляцион таргетлаш муваффақиятли қўлланилган давлатлар сифатида Янги Зеландия, Канада, Буюк Британия, Финландия, Швеция, Австралия ва Испания тилга олинади.

Австралия, Финландия ва Швецияда Марказий банк инфляциянинг мақсадли кўрсаткичинини ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш хусусидаги розилигини олмасдан туриб эълон қилган.

Канада ва Янги Зеландияда мақсадли кўрсаткичга эришиш учун 18 ойлик муддат белгиланган. Мазкур муддат тугагандан сўнг, инфляциянинг даражасини босқичма-босқич пасайтириш мақсадида, Янги Зеландияда яна 12 ойлик, Канадада – 18 ойлик муддат белгиланган.

Белгиланган янги муддатлар тугагандан сўнг ҳар иккала мамлакатда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичининг таъминлашга муваффақ бўлиши ва ҳар иккала мамлакатда яна беш йиллик даврга инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи белгиланган.

Австралия, Финландияда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи аниқ даража сифатида олинган.

Канада, Янги Зеландия, Швеция, Буюк Британияда инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичи йўлақча сифатида белгиланган.

Россия Марказий банки томонидан қўлланилаётган инфляцион таргетлаш режимда 2017 йилнинг охирига бориб, инфляциянинг йиллик даражасини 4 фоизга етказиш мақсади қўйилган эди. 2016 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар ушбу мақсадга эришиш имкониятини юзага келтирди. Яъни, 2016 йилнинг якунига келиб, Россияда ин-

фляциянинг йиллик даражаси 5,4 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, 2015 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, Россияда инфляциянинг йиллик даражаси 12,9% бўлган эди.

2016 йилнинг июнь ойига келиб, инфляциянинг даражасини сезиларли даражада пасайтиришга эришилганлиги Россия Марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини берди.

Россияда 2016 йилда инфляцион таргетлаш самарасини таъминлаган омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг паст ўсиш суръатларини таъминланганлиги.

2. Миллий валютанинг номинал алмашув курсининг барқарор бўлганлиги (2016 йил давомида 1 АҚШ доллари 64-67 рубль даражасида бўлиши таъминланди.).

3. Пул массасининг паст даражадаги ўсиш суръатининг таъминланганлиги.

4. Захира фонди маблағлари ҳисобидан давлат бюджети дефицитини молиялаштириш орқали пул базасининг кўпайишига йўл қўйилмаганлиги (2015 йилда йўл қўйилган эди).

Қозоғистонда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи ўрта муддатли даврга мўлжалланганлиги сабабли, эконометрик таҳлил чораклик даврга маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, прогнознинг аниқлик даражасини ошириш учун аҳоли ўртасида, инфляция ва девальвацион кутишларни баҳолаш мақсадида, сўровлар ўтказилмоқда.

Ҳозирги даврда, Қозоғистонда инфляцион таргетлаш режимини қўлланилаётганлиги сабабли миллий валютанинг алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланмаган. Миллий валюта-тенге эркин сузиш режимига эга.

Уйлаймизки, инфляцион таргетлаш режимига ўтиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий, инновацион ривожланиш йўлига ўтиш босқичида инфляцияга қарши курашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ўзининг ижобий самарасини беради.

Т. БОБОҚУЛОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.
У. АБДУЛЛАЕВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Галаосиё филиали янги бинода иш бошлади

Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” мижозларга қулайлик яратиш, аҳолини замонавий банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Республика худудларида банк инфратузилмалари тармоғи кенгайиб бормоқда. Банк филиаллари замонавий банк технологиялари билан жиҳозланмоқда.

Куни кеча банкнинг Галаосиё филиали янги маъмурий бинода иш бошлади. Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда банк Бошқаруви ва Бухоро вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, банк мижозлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон банк тизимида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан туб ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини, бунинг ёрқин мисолини Галаосиё филиалининг янги биносида яратилган қулайликлар мисолида ҳам кўриш мумкинлигини таъкидладилар.



Банк биноси замонавий банк технологиялари, хусусан, банкоматлар, инфокиосклар билан жиҳозланган. Мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи шохобча кечая кундуз узлуксиз фаолият кўрсатмоқда.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали мижозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилади.

“Қишлоқ қурилиш банк”нинг инвестицион лойиҳалари

Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” ўз фаолиятида очкилик ва шаффофликни таъминлаш, аҳолига кенгроқ маълумот етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорликни амалга оширмоқда. Яқинда банк томонидан журналистлар учун Бухоро вилоятига пресс-тур ташкил қилиниши ҳам шундан дарак беради. Унда республикамиздаги энг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Вилоятда айни вақтда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Бухоро минтақавий филиали, Когон ва Галаосиё филиаллари, Когон, Қорақўл, Жондор, Шофиркон, Фиждудон минибанклари фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали 74214 нафар мижозга хизматлар кўрсатилмоқда.

Пресс-турда дастлаб иштирокчилар банкнинг Бухоро вилояти минтақавий филиалига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишишди.

Бугунги кунда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Бухородаги

филиаллари томонидан жами 74 минг 214 та мижозга хизмат кўрсатилиб, улардан 19 минг 897 таси Бухоро минтақавий филиали, 41 минг 340 таси Когон филиали ва 12 минг 977 таси Гала Осие филиали ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, Бухоро вилоятида 2019-2020 йилларда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” мижозларининг умумий қиймати 241,8 млрд. сўмлик 44 та инвестиция лойиҳаси мавжуд бўлиб, шундан, 149,5 млрд. сўмлик 28 та лойиҳа банк кре-



“Микрокредитбанк”дан янги “Банк хизматлари марказ”лари

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу жараёнларда тижорат банкларининг ўрни катта. Чунки тадбиркор ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватланса, даромади ортади. Энг асосийси, қўллаб янги иш ўринлари яратади. Бу эса давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек фойдалидир.

Тадбиркорга мададкор бўлаётган тижорат банклари орасида “Микрокредитбанк”нинг муносиб ўрни бор. Бугунги кунда ушбу тижорат банки томонидан аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда “Банк хизматлари марказлари” ҳамда 24/7 шохобчалари ташкил этилмоқда.

Яқинда банк томонидан Тошкент шаҳридаги Юнусобод ҳамда Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл туманларида ана шундай “Банк хизматлари маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Янгидан ташкил этилган ушбу марказларда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли

банк ва консалтинг хизматлари кўрсатилади. Хусусан, жисмоний шахслар учун микроқарз, овердрафт ва бошқа кредитларни расмийлаштириш, пластик карточка очиш ҳамда халқаро пул ўтказмалари хизматлари йўлга қўйилган, шунингдек, юридик шахсларни барча турдаги хизмат турлари кўрсатилади.

Ушбу марказларда туну-кун ишлайдиган банкомат орқали нақд пул ечиб олиш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган. Амалдаги барча кредит турларидан фойдаланиш, пластик карталар олиш ва бошқа турдаги банк хизматлари турлари, халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилган. Энди бу хизматлар учун банк филиалларига боришнинг ҳолати йўқ.

Қайд этиш жоизки, “Микрокредитбанк” томонидан шу пайтгача бу каби марказлардан 13 тасининг фаолияти йўлга қўйилган бўлса, жорий йил охирига қадар улар сонини 21 тага етказиш режалаштирилган. Натижада эса аҳолимиз учун қулай, тезкор ҳамда ишончли банк хизматлари кўрсатишга эришилади.

Бундан ташқари, “Бухоро-агро” ЭИЗда 5 та мижоз лойиҳасининг умумий қиймати 6,0 млн. АҚШ долларини, шундан 4,9 млн. АҚШ доллари хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган.

Шунингдек, пресс-тур иштирокчилари Бухоро вилоятида банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан танишдилар. Хусусан, “Қоровулбозор нур обод” МЧЖ томонидан Қоровулбозор туманида 9 гектар худудда барпо этилган замонавий иссиқхонага, “Когон меҳнат роҳат” ХК томонидан қурилган истироҳат боғи ва кўнгилочар-хордиқ чиқариш мажмуасига, “Burda Lyuks Tekstil” ХКнинг текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехига, “City Med Vuxoro” МЧЖ ташкил қилган тиббий-диагностика ва даволаш марказига, “Vuxoro Comfort Plast” МЧЖда пластик қувурлар ва пластик фитинглар ишлаб чиқариш цехига,

“Panorama” меҳмонхонасига сафарлар уюштирилди.

Корхонамизда ташкил этилган иссиқхона фаолиятини ривожлантириш лойиҳаси қиймати 6 минг 480 АҚШ долларини ташкил этади, — дейди “Қоровулбозор нур обод” МЧЖ раҳбари Фаррух Бекмирзаев. — Лойиҳани амалга ошириш учун “Қишлоқ қурилиш банк”дан 4 минг АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилди. Бу кредит имтиёзли тарзда ажратилган бўлиб, уни йиллик тўрт фоиздан тўлаямиз. 120 та иш ўрни яратилган иссиқхонанинг йиллик ишлаб чиқариш айланма маблағи 6 минг 400 АҚШ долларини ташкил этади.

Шунингдек, журналистлар Жондор туманидаги “Яккатут” МЧЖ томонидан ташкил этилган донни қайта ишлаш заводида ҳам бўлди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда 3 млрд. сўм банк кредити ҳисобига янги ускуналар сотиб олинди, дон маҳсулотларини қайта ишлаш фаолияти кенгайтирилди.

Ҳозирда корхонада йилига 16 минг 800 тонна дон қайта ишланиб, 10 минг тоннадан ортиқроқ ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, корхонада 80 та доимий иш ўрни яратилган.

Пресс-тур давомида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” молиявий кўмагида татбиқ этилаётган бундай бизнес лойиҳалар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.



“Туронбанк”нинг миллий ва хорижий валютадаги пластик карточкалари билан пулларингизни ишончли сақланг ва сарфланг

Бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида молиявий амалиётларни кўриш мумкин. Ҳар куни кимдир шахсий пластик карточкаларидан нақд пул ечиб олса, яна кимдир уз эҳтиёжларини қондириш учун банк кредитларидан фойдаланади. Бошқаларга эса юқори фоизли омонатлар асқотиши турган гап. Умуман, иқтисодий жараёнларнинг иштирокчиси эканмиз, бир бора бўлса ҳам бу соҳа билан тўқнаш келишимиз аниқ. Айниқса, истеъмолчилар учун қулайлиги ва арзон имкониятларини яққол намоён қилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар механизми, хусусан, пластик карточкалар тизимига ўтганлиги вақтимизни ҳам тежайди.

Турган гапки, пластик карточка ойлик маош билан тўлгандан сўнг, кўп ҳолларда уни нақдлаштириш ёки коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш пайига тушамиз. Зарур ҳолларда эса, пластик карточкаларимизни нақдлаштиришда бизга 24/7 режимида фаолият юритувчи “Автоматлаштирилган тўлов марка”лари яқиндан ёрдам беради. “Туронбанк”нинг бутун Республика миқёсида ташкил этилган шундай нуқталарига бугунги кунда 63 та миллий валютада, 28 та хорижий валютада ва 63 та “Нумо” карталарига хизмат кўрсатувчи банкоматлар ва 236 та ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиоскалар ўрнатилган. Ва сиз исталган вақтда ушбу кулайликдан фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари, “Туронбанк” АТБнинг “Mastercard” халқаро пластик карточкалари ва “Uzcard” миллий тўлов карталари ёрдамида бўш пул маблағларингизни банкнинг “Turon Mobile” иловаси орқали юқори фоизли, миллий ва хорижий валютадаги банк омонатларига жойлаштиришингиз мумкин.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, “Туронбанк” АТБ қулай тўлов воситаларини таклиф этиш билан бирга молия муассасасига аъзоси бўлганингиз учун сизни рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйиб, турли хил акцияларни мунтазам ўтказиб келади. Аввалги совринли ўйинимизда Нексия-3 русумидаги автомобиль соҳиб бўлган юртдошларимизни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ҳали эшитмаганлар учун яна бир бора эслатиб ўтамиз, ҳозирда ушбу акциянинг навбатдаги босқичи ҳам ўтказилмоқда. Яъни, жорий йилнинг 15 августидан 1 декабрга қадар “Mastercard халқаро пластик картасидан фойдаланиб янги йил таътилини Жануби-шарқий Осиёнинг илқ денгиз соҳилларида дам олиб, ўтказишингиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мижозлар эҳтиёжларига мос хизматлар кўламини кенгайтириб бориш “Туронбанк” АТБнинг чакана хизматлар соҳасини ривожланишининг асосий мезонига айланган. Ишончимиз комилки, банкда тўпланган бой тажриба ва кенг имкониятлар энг муҳим бўлган “Банк-Мижоз” алоқасини мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги бизнинг ўзаро манфатли ҳамкорлигимиз келгусида ҳам янада муваффақиятли давом этишига қатъий ишонч уйғотади.

Банк Ахборот хизмати
Реклама ўрнида

FINANCEUZ
хабар қилади

“Ўзмиллийбанк”дан янги депозитлар

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жисмоний ва юридик шахслар учун янги депозитларни таклиф этмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун мўлжалланган, миллий валютада бошланғич бадалли 100 000 сўм бўлган “Ишончли” депозити 18 ой муддатга, йиллик 22 фоизда. Бунда ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализацияси қилинмаган ҳолда, тўлаб берилади. Фоизлар мижознинг хоҳишига кўра “Электрон ҳамён”га ҳам ўтказилади. Қўшимча бадаллар фақатгина нақд пулсиз кўринишда қабул қилинади. Омонатни очиб фақатгина Milliy мобил иловаси орқали амалга оширилади.

Агар омонат муддатидан олдин қайтарилганда, фоизлар қуйидагича туланади:

- 6 ойгача – йиллик 0%;
- 6-17 ойгача – йиллик 15%.

- 13 ҳафта 18 ойга мўлжалланган “Инвестиция” депозитининг бошланғич бадалли 1 000 000 сўм бўлиб, йиллик фоиз ставкаси қуйидагича:

- 13 ой учун – йиллик 20%;
- 18 ой учун – йиллик 21%.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализацияси қилинмаган ҳолда, тўлаб берилади. Қўшимча бадаллар нақд ва нақд пулсиз кўринишда қабул қилинади. Агар омонат муддатидан олдин қайтарилганда, фоизлар қуйидагича туланади:

- 13 ойлик муддат учун:
 - 3 ойгача – йиллик 0%;
 - 3-12 ойгача - йиллик 16%.

- 18 ойлик муддат учун эса қуйидагича :
 - 6 ойгача – йиллик 0%;
 - 6-17 ойгача - йиллик 15%.

Омонатни Milliy мобил иловаси орқали ҳам очиб мумкин.

Банк томонидан юридик шахсларнинг депозитларини қабул қилишда, мижозларга индивидуал шартлар асосида ёндашилган ҳолда, узоқ муддатли депозитларни муддати ва миқдорига кўра тегишли фоиз ставкалари белгиланади.

“Ўзмиллийбанк” депозит қуйилмалари маблағлари ва ҳисобланган фоизлар тўловларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини қафолатлайди.




Барқарорлик белгиси!

Миллий ва хорижий валютада пластик карталар очиб



VISA



UZCARD



HUMO



MasterCard

Ишончли сақланг ва сарфланг!



turonbank

turonbank

turonbankuz

99895 144-60-00

www.turonbank.uz

Ўтган вақт давомида пластик карточкалар шунчалар оммалашдики, бир неча йиллар аввал улардан фойдаланишга бироз чўчиган бўлсак, ҳозир ҳамёнимизни уларсиз тасаввур этиш қийин. Вақт синовидан муваффақиятли ўтган ушбу тўлов воситаси жуда ҳам универсаллиги билан меҳримизни қозонди. Сабаби, у орқали озиқ-овқат дўконлари-ю, турли хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида, шунингдек, мобил иловалар орқали исталган тўловларни амалга оширишимиз мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ва пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш борасида мамлакатимиз молия муассасалари орасида етакчилардан бири бўлган “Туронбанк” АТБ бу борада фаол ишлар олиб бормоқда. Хусусан, жорий йил бошидан миллий валютадаги “Uzcard” тизимида ишловчи пластик карточкаларнинг 60 минг дондан кўпи муомалага чиқарилган бўлиб, шундан юридик шахсларнинг корпоратив ва яққа тартибдаги тadbиркорларнинг пластик кар-

точкалари 2 мингга яқиндир. Шунингдек, “Humo” тизимидаги пластик карточкаларнинг ҳам 40 минг нафардан кўп фуқароларга тақдим этилди.


Шунингдек, ҳисобот даврида чет элга саёҳат қилганимизда ҳамда интернет орқали харидларни амалга оширишимизда ишончли шеригимиз бўлган VISA ва Mastercard халқаро пластик карточкаларнинг ҳам жами 14 130 таси эмиссия қилинди. Ундан 6,6 минг донаси VISA бўлса, 7,5 минг таси Mastercard пластик карточкаларидир.

Мамлакатимиз қурилиш саноати ва халқ хўжалигида ёғоч-қириндили плиталар (ДСП)га бўлган талаб йил сайн ортиб бормоқда.

Шу боис, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан импорт ўрнини босувчи, маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни юртимизда кенг йўлга қўйиш бўйича бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Айниқса, ёғоч-қириндили плиталар ҳамда уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан бу йўналишдаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қўватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатмалар берилди. Бундан асосий мақсад маҳаллий бозорни сифатли, импорт ўрнини босувчи ёғоч-қириндили плиталар ҳамда уларнинг муқобил турлари билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишдан иборатдир.

Бу борада уюшма томонидан қатор



ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

чора-тадбирлар олиб борилиб, 2019-2021 йилларда маҳаллий хомашёдан ДСП маҳсулотлари ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳалари рўйхатига кўра, умумий қиймати 80 млн. 800 минг АҚШ доллари бўлган жами 595 минг куб метр йиллик қувватга эга 11 та лойиҳа амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларнинг ишга тушиши натижасида ДСП бўлган ички талабни тўлиқ қоплаш имконияти яратилади.

Айни пайтда, бу йўналишда 3 та кор-

хона ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 70 минг куб метрни ташкил этади. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида "Термиз Таъминот" МЧЖ ва Сирдарё туманида жойлашган "Файз" МЧЖ қўшма корхоналари қамиш ва гўзапоядан ДСП ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, Ўзбекистон туманидаги "Яйпан водий ламинати" МЧЖ эса терак ва бошқа ёғоч қипиқларидан ана шундай маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Шунингдек, 2020 йилда Сурхондарё вилоятида умумий йиллик қуввати 195 минг куб метр бўлган 2 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, Навоий эркин иқтисодий зонасида эса тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси йўналтирилган умумий қиймати 7,5 минг АҚШ доллари бўлган корхона фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Худди шундай Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида эса "Мўйноқ ЛДСП" МЧЖ томонидан умумий қиймати 8 млн. АҚШ доллари (шундан, ўз маблағи 2,6 млн. АҚШ доллари, чет эл банк кредити 5,4 млн. АҚШ доллари) ҳисобига қамишдан ДСП ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга ошириляётир. Натижада, мазкур корхонада йилига 50 минг куб метр ДСП ишлаб чиқарилади ва 200 та доимий ва 500 та мавсумий иш ўринлари яратилади. Шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида ҳам ДСПнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар устида ишлар олиб бориляпти.

Жамшид ШЕРМЕТОВ
"Ўзсаноатқурилишматериаллари"
уюшмаси матбуот котиби

САМОЛЁТДА ФАҚАТ ПУЛИ КўПЛАР УЧМАЙДИ...

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"га айтилган ва айтилиши лозим бўлган гаплар

Ижтимоий тармоқларда муҳокамага сабаб бўлаётган баҳсларнинг бири – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" томонидан ички рейслар учун авиачипта нархларининг ошганлигидир.

МУЛОҲАЗА

Гапнинг очиғини айтадиган бўлсак, бугунги кунда ички нархлар у даражада чўнтак-боп эмас. Авиачипта нархларининг нима сабабдан ошганлиги ҳақида авиакомпания мутахассислари маълумот берган бўлса-да, аммо керосин билан боғлиқ ҳолат "сабаб" бўла олмайди.

Мамлакатимизда реал ўр-тача иш ҳақи бир миллион атрофида, бундан тан олмасликнинг иложи йўқ.

Энди республикаимиз ичида, масалан, Тошкентдан Қорақалпоғистонгача парвоз этмоқчи бўлсангиз, йўл қиранинг ўзига 100 АҚШ долларидан кўп пулингиз бўлиши керак.

Барчамизга маълумки, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ички ва ташқи рейсларни амалга оширувчи ягона компаниядир. Кунига минглаб йўловчилар, узоқ ва яқин масофаларга ушбу компания транспортдан фойдаланади. Демак компания аҳоли, истеъмолчилар талабларини ҳам қондириши керак.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси аҳоли билан ижтимоий сўровнома ўтказди. Унга кўра, "Ўзбекистон ҳаво йўллари"да хизмат кўрсатиш сифати, нарх-наволари, қулайлик ва муаммолар ҳақида истеъмолчилардан келиб тушган турли муурожаатлар ва таклифларни ўрганиб чиқди.

Ўрганишлар шуни тасдиқладики, нарх-наводан ташқари авиакомпанияда айрим ноқу-



лайликлар ҳам аниқланди.

М. Т. талаба: – Самолётда фақат пули кўплар юради, деб ўйлаш хато. Ўзим талабаман, асли Нукусда яшайман. Қиш келиши билан такси нархлари ошиб кетади, шунингдек, машинада қайтиш эса ноқулайлик келтириб чиқаради. Биринчидан, йўлда автоҳалокатлар кўп бўлади, иккинчидан темир йўлда қайтиш ҳам ўзига яраша муаммо. Қиш кунлари, айниқса Янги йилга яқин поездга чипта топиш "анқонинг уруғи". Чунки бундай пайтларда бир ёки икки ой олдин чипта олиш керак бўлади. Аммо ўқшимизда қачон дам олиш кунлари аниқ бўлмагунча, биз ҳам чипта ололмаймиз. Ноилж чипта олмаганимиз учун самолётда кетишимизга тўри келади. Талабалар учун 50 % чегирмалар эълон қилинса-да, аммо бошқа юрдошларимиз учун чегирмасиз чипталар жуда қиммат. Бир оилани биламан. Отаси касал эди, Нукусда даволата олмаганимиз учун, илжосиз Тошкентга олиб кетиш керак эди. Аммо авиачипта нархи қимматлиги учун, ноилж таксида кетишди. Йўлда касаллик бадтар авж олиб, аҳоли оғирлашган.

Бундай ҳолатларни жуда кўп учратишимиз мумкин.

– Тошкент Халқаро аэропортининг кўнишлар, келганлар чиқиб кетишлари учун зал очилганида хурсанд бўлдик, – дейди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси Улуғбек Исмаилов. – Кутадиғанларга ёз ва ёмғир-қордан пана жойи бор, лекин совуқдан ҳимоя қилмайдиган жойи йўқ. Шу айнан томи ёпиқ худудни ойна билан ёпиб қўйса бўлади-ку. Тунги соат 1-2 ларда кўпчиликнинг нолиганини, аксириб, шамоллаганини кўрдим. Совуқ ҳам –3 даражада.

Ҳамиша ҳам самолётлардан пулимиз кўплиги учун парвоз қилмаймиз. Охириги пайтлар бу соҳада янги қоролар, чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги қулғимизга чалинганди. Албатта, мамлакатимизда 1999 йил 19 августдан янги тахирда қабул қилинган "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун амалда ва ушбу қонуннинг асосий мақсади товар бозорларида табиий монополия субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни қайта солишдан, шунингдек, истеъмолчилар, давлат ва табиий

монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашдан иборат.

Ушбу қонундан олдинроқ, яъни 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир", дейилади, яъни "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жумласидандир.

Қонуннинг 4-моддасига кўра, истеъмолчи товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) эса истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шартлиги белгилаб қўйилган (6-модда).

Ҳақиқатан ҳам, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиқиб, монопол маҳсулот эгаси, яъни "Ўзбекистон ҳаво

йўллари" миллий авиакомпанияси нархлар (тарифлар) ни ошириш бўйича лойиҳа ваколатли орган томонидан кўриб чиқилгандан сўнг, ушбу органнинг қарорини нархлар оширилишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши (7-модда) ва истеъмолчиларни оғохлантириши лозим эди.

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига кўра, шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Агар уларни қўлланиши натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим. Табиий монополия субъекти нархларни ошганлиги тўғрисида ОАВда олдиндан маълумот берилишини таъминлаб бермаслиги натижасида, 21-моддада келтириб ўтилганидек, истеъмолчилар ҳуқуқларини чеклаб қўйиш ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талабларни қўйиш юзга келмоқда, дейиш мумкин.


Шунингдек, авиачипта нархларини оптималлаштириш ва авиакомпаниялар сонини кўпайтириш, соҳада соғлом рақобатни шакллантириш вақти келди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш кераки, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" хусусида айтилмаган (ва балки айтила олинмайдиган) муаммолар ҳали кўплигини таъкидламай иложимиз йўқ.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси етакчи мутахассиси

ЎЗМИЛЛИЙБАНК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

“ЎМБ” АЖ қайта ташкил этилаётган унитар корхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади (30.11.2019 йилдаги ПҚ-4540-сон қарорга қаранг).



Давлат номидан банк таъсисчилари бўладиган органлар ҳам ўзгарди. Илгари Вазирлар Маҳкамаси ягона таъсисчи бўлган, унинг ўрнига Молия вазирлиги ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тегишinchа 89,93% ва 10,07%ни олган ҳолда келади. 7 260,2 млрд. сўм миқдоридан қўшимча йўналтирилган маблағлар ҳисобига банкнинг устав капитали 11 581,2 млрд. сўмгача етказилади, улушлар миқдориданги вазият Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фойдасига ўзгаради – унда 58,49% ва Молия вазирлигида 41,51%.

Қайта ташкил этиладиган Ўзмиллийбанкнинг қарздор ва кредиторлари мажбуриятлари бўйича берилган давлат кафолат-

лари қайта расмийлаштирилади. Банкка тегишли бўлган мол-мулкнинг мавжуд ҳужжатлари, лицензия ва рухсатномалар билан ҳам шундай бўлади. Кузатув кенгаши таркиби, унинг асосий вазифалари ва функциялари янгиланади.

Бундан ташқари, қайта ташкил этиш жараёнида “NBU INVEST GROUP” МЧЖга ҳам дахл қилади – у ҳам акциядорлик жамиятига айланади. Компания молиявий бозорларда, банкнинг даромади чегарасида хўжалик субъектлари устав фондида (100%гача) иштирок этиш орқали инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Ўзмиллийбанкнинг айрим соҳага оид бўлмаган активлари Давлат актив-

ларини бошқариш агентлигига берилади, яна қатор акциялар пакети ва улушларни (шунингдек соҳага оид бўлмаган) банк ва NBU INVEST GROUP” куйидаги тарзда сотади:

баҳолаш нарҳини 10%га босқичма-босқич камайтириш механизмини қўллаб, бироқ улар бозор нарҳининг 50%идан пасайтирмаган ҳолда ҳамда 2 ой давомида ўтказилган савдолар натижасида инвесторлар томонидан қизиқиш бўлмаган тақдирда, уларнинг номинал қийматидан пасайтирмаган ҳолда;

сотиб олиш тўловларини бирдан ёки бўлиб-бўлиб (акциялардан ташқари) 7 йилгача сотиб олиш суммасынинг қолдиғи учун фоиз ҳисобламасдан, шунингдек, сотиб олиш суммасы тўлиқ тўланмагунга қадар объектни тасарруфдан чиқариш ва учинчи шахсларга (тижорат банки – сотувчи бундан мустасно) гаровга (ипотека) бериш ҳуқуқисиз амалга ошириш орқали.

Ўзмиллийбанкнинг илгари захиралари яратилган ҳамда сўндириш манбалари мавжуд бўлмаган балансдан ташқари активлари ҳисобдан чиқарилади.

БАНК МАБЛАҒЛАР ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛГАНИ ҲАҚИДА МИЖОЗНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШИ ШАРТ

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида низома тегишли қўшимчалар киритилди (рўйхат рақами 3030-3, 22.11.2019 йил).

Биринчидан, қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчининг эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланади.

Иккинчидан, банк ва қарз олувчи-юримдик шахс ўртасида тузилган кредит шартномасида қарз олувчининг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови акс эттирилиши лозимлиги белгиланди. Шунингдек валюта курсининг ўзгариши натижасида миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар қайд этилиши лозим.

Учинчидан, банklar кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилган санадан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда куйидаги чораларни қўриши шарт:

гаровда турган мулкни таққидан чиқариш;

гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш.

Тўртинчидан, банк томонидан миқознинг ҳисобварағи ва (ёки) омонати, шу жумладан банк карталари бўйича (банк карталаридан фойдаланаётган пайтда “PIN-код”ни нотўғри терилиши оқибатида блокировкага тушган ҳолатлар бундан мустасно) амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк кейинги кундан кечиктирмаган



ҳолда миқозга бу ҳақда сабаблари келтирилган хабарномани юбориши шарт. Худди шундай муддатда банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун миқозни ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилгани ҳақида хабардор қилиши шарт. Хабарномалар миқозларга шахсан топширилади, почта ёки электрон ёки бошқа алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин. Хабарномани олиш усули миқоз томонидан мустақил равишда танланади ва банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасида кўрсатилади.

Бешинчидан, жисмоний шахслар ва юридик шахслар банкнинг мансабдор шахслари шахсий қабулига ёзилгиш учун ёзма равишда мурожаат қилган тақдирда, ушбу мурожаатлар келиб тушган санадан бошлаб 7 кундан кечиктирмаган қабул санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда қабул белгиланганлиги, қабулни амалга оширадиган масъул ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

norma.uz



1 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

1.Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатидаги дорилар айрим дорихоналардагина сотилади

2019 йил 1 декабрдан бошлаб кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида киритилган дорилар фақат ижтимоий дорихоналар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш фаолияти бўйича лицензияга эга бўлган дорихоналар томонидан сотилади.

2.IMEI-кодни рўйхатдан ўтказиш пулли бўлади

Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кирилган ва ишлаб чиқариладиган мобиль қурилмалар жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мобиль қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимида асосда рўйхатга олинади.

3.Фаолиятнинг лицензияланган тури биттага кўпаяди

Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият учун лицензия олиш талаб этилади.

4.Грант маблағларини жалб қилишда қатнашган ходимлар рағбатлантирилади

2019 йил 1 декабрдан бошлаб: – хорижий давлатлар ва ташкилотлар донорлар делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифларини ва уларнинг расмий шахслар билан учрашувларини ташкил этиш бўйича сўровларни Ташқи ишлар вазирлигига олдиндан юбориш муддати 30 иш кунидан 15 иш кунигача қисқартирилади;

– грант олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмаларни, шунингдек, техник кўмак маблағлари тўғрисида ахборот ва идоравий ҳисоботни Молия вазирлигининг Ҳазначилигига тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади;

– грант олувчилар ҳар чоракда олинган ва ўлаштирилган грантлар ҳамда амалга оширилаётган тўғрисидаги маълумотларни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этади;

– давлат органлари раҳбарлари грант маблағларини жалб қилишда бевосита қатнашган ходимларни меҳнатга ҳақ тўлаш минимал миқдорининг 15 бараваригача бир йўла мукофотлаш тарзидаги рағбатлантиришга ҳақли бўлади.

5.Фармацевтик инспекция ўтказиш бўйича низоми кучга киради

Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми кучга киради.

6.Энергетика менежменти тизими жорий этилади

Айрим корхона ва ташкилотларда энергетика менежменти тизими халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ босқичма-босқич жорий этилади.

Мазкур тизимда куйидагилар назарда тутилади:

– энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффофлиги ва ҳолислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш;

– ресурсларни, биринчи навбатда молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолини бошқариш самарадорлигига эришиш;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

7.Тракторчи-машинист гувоҳномасининг янги намунаси берилади

2019 йил 1 декабрдан Тошкент шаҳрида, 2020 йил 1 мартдан Бутун республикада тракторчи-машинист гувоҳномасининг, техник паспорт ва техник гувоҳноманинг янги намуналари берилади.

8.Тренерлар ҳар 5 йилда аттестациядан ўтказилади

Республикада фаолият юритаётган тренерлар Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда унинг филиаллари базасида ҳар 5 йилда аттестациядан ўтказилади.

“Ҳуқуқий ахборот” канали

ЭЪЛОН

“MEDIA STAR” хусусий корхонаси (ИНН:305842769) Учтепа тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 07 ноябрда 648269-сонли реестр рақами остида давлат рўйхатида олинган юридик манзили:

Учтепа тумани, 24-мавзе, 55-уй, 106-хонадон “MEDIA STAR” ХК корхона таъсисчисининг 2019 йил 28 ноябрдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилмоқда.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади. Боғланиш учун телефон рақам: 90 972-01-38

Россияда юқори технологик жиноятлар бозорини баҳолар экан Group-IB мутахассислари бир неча тармоқларни белгилади ва уларнинг ҳар бирида пасайиш қайд этилди. Шахсий компьютерлар учун троянлар ёрдамида содир этилган ўғирликлар (бу вируснинг "ватани" Россия ҳисобланадиган) дан кўрилган зарарлар 89 фоиз қисқарган ва 62 миллион рублани ташкил этган.

БАНКЛАР МИЖОЗЛАРИ УЧУН ТАҲДИД: "ИЖТИМОЙЛИК" ТАНТАНАСИ



Русийзабон хакерлар янги турдаги вирусларни яратибди тўхташган. Эндиликда Россияда шахсий компьютерларнинг вируслари ёрдамида пулларни ўмарадиган иккита гуруҳ – Buhtrap2 ва

RTM қолди. Уларнинг энг сўнгиси, айниқса фаоллик кўрсатмоқда.

Android-мобил қурилмалари учун мўлжалланган троянлар узокроқ муддатда бартараф этилади, бироқ у орқа-

ли ўғирлик қилиш хавфи юқорироқ ҳисобланади. Бу борадаги кўрилган зарар 110 миллион рублга тенг бўлиб, ундан аввалги даврга нисбатан 43 фоиз кам кўрсаткичдир. Россияда Android-троянлардан фойдаланадиган гуруҳлар сони 8 тадан 5 тага тушиб қолди: энг қизиғи майдонни "огир ваэнлилар" тарқ этди.

Қолган гуруҳлар ўмарини учун СМС-каничалардан фойдаланишдан воз кечиби, унинг ўрнига card2card пул ўтказиш услулари қўллаб келишмоқда ва ўртача ўғирлик қиймати 7 мингдан 11 минггачани ташкил этмоқда. Умуман олганда, ўтган давр мобайнида 22 та троянлар истеъмолдан чиқарилди, бироқ уларнинг ўрнига 7 та янги вируслар яратилди.

Россиядаги молиявий фишингдан кўрилган зарар 65 фоиз қисқарди ва 87 миллион рублга етди. Умумий ҳажмга фаол гуруҳлар сони қисқариши билан

бир пайтда ҳужумнинг "ўртача қиймати" камайгани таъсир кўрсатди. Молиявий даромаднинг қисқариши ўйиндан 15 та гуруҳнинг чиқиб кетишига сабаб бўлди. Айна пайтда 11 та гуруҳ фаолият юритмоқда.

Бу турдаги ҳужумлардан олинмаган иқтисодий самарадорликнинг пасайиши фирибгарларни банк карталари маълумотларидан фойдаланган ҳолда янгича услулари даромад топиш йўлларини излашга ундамоқда. Натижада ижтимоий муҳандислик услуларидан фойдаланиш орқали нақднинг даромад топиш Россияда биринчи ўринга чиқди. Аввал, гап телефонли фирибгарлик ҳақида бормоқда. 2018 йил якунидан бошлаб банк бозорини эгаллаган бу услулари "вишинг" деб аталмоқда. Қўллаб йирик банклар фирибгарларнинг ҳаракатини шубҳа остига олишнинг ўзига ҳам тамойилни тўлиқ ишлаб чиқа олмагани боис миҳозларга уюштирилмаган бу турдаги ҳужумни камайтира олмайпти.

ТУРКИЯДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТИГА ТАЪСИР КЎРСАТДИ

Турк лирасининг АҚШ долларига нисбатан қиймати тушаётганлиги, иқтисодий сустлашув ва хусусий мулкнинг нархи арзонлашганлиги боис Туркиянинг энг бадавлат фуқаролари бойлиги шиддатли суръатларда камайиб бормоқда.

Туркия статистика институти ҳозирча 2019 йилда даромадларнинг нотенглигига доир маълумотларни чоп этмади. Бироқ Global Wealth Report нашри Credit Suisseдек йирик молиявий ташкилотнинг маълумотини эълон қилди. Унда ёзилишича, Туркия жорий йилда қисқа фурсатларда бойлигидан айрилаётган мамлакатлар рўйхатидан жой олмоқда. Бунинг асосий сабаблари аввало турк лирасининг долларга нисбатан курси пасайгани оқибатида Туркияда қайд этилаётган инқироз, шунингдек ЯИМ кўрсаткичининг пасайиши ва хусусий мулкнинг нархи арзонлашиши билан боғлиқ. Ҳисоботга кўра, Туркиянинг энг бадавлат фуқаролари улуши 2018 йилда 54 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу улуш 42,5 фоизга етди.

Даромад ва бойликларни тақсимлашга оид маълумотлар мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий шароит ҳақида тушунчага эга бўлишга имкон беради. Ушбу жараёндаги ўзгаришлар сўнгги йилларда айрим мамлакатлардаги сиёсий ислохотлар мамлакат ичидан ва халқаро даражада қандай ўзгаришларга сабаб бўлишини намоян этиди.

Аксарият мамлакатлар, жумладан Туркияда ҳам даромадларнинг нотенглигига оид тадқиқот натижаси ҳар йилги миллий даромад, ЯИМни кўрсатади. Улар ижтимоий гуруҳлар ўртасида тақсимланади ва таркибига турли категорияларда уй ҳўжалигида топиладиган даромад, иш ҳақи,

фойда, фойзалар ва иқтисодий рента маблағлари киритилади. Туркия статистика институти 2002 йилдан буён даромадлар нотенглиги бўйича ҳар йили тадқиқот ўтказди. Бироқ илгари бойликларнинг тақсимланишига оид тадқиқотни ўтказмаган. Бу масала билан Credit Suisse Research Institute томонидан 2010 йилдан буён шуғулланмоқда.

Бойлик инсонлар эгалик қиладиган даромад, мулк билан белгиланади. Бу уларнинг молиявий активлари: банк депозитлари, акциялар, облигациялар, олтин ва заргарлик буюмлари, нотуғар мулк, жумладан ер, бино ва уйлардир. Ҳар йили инсонларнинг бойлиги уларнинг умумий даромадига келиб қўшилиши билан улуш ҳисобига ортади. Бироқ унинг активлари қиймати ортиши ёки пасайиши фуқаронинг бойлиги кўпайиши ёки камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Credit Suisse мамлакатнинг фаровонлик даражасини ундаги миллий валютада баҳолайди ва сўнгра уни АҚШ долларига айирбошлаб ҳисоблайди. Ўз навбатида, фаровонлик даражасига маҳаллий валютанинг долларга нисбатан қиймати ҳам муҳим роль ўйнайди.

2019 йилнинг жорий ҳолатига кўра, бутун дунёда жисмоний шахсларнинг бойлиги тахминан 361 триллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йили бу кўрсаткич 352 триллион долларни ташкил этган эди. Энг катта улуш АҚШ (30 фоиз), Хитой (18 фоиз), Япония (7 фоиз) ва Германия, Буюк Британия ва Франция (4 фоиздан ҳар бири)да қайд этилди. Бошқача айтганда, жаҳон бойлигининг учдан икки қисми юқоридеги 6 та мамлакатда.

Жаҳон бойлигининг тақсимланишидаги ўзгаришлар минг йиллик аввалида ноқ ҳавотирли суръатларда ўсиб борди.

2019 йилда дунёнинг энг бадавлат шахслари 1 фоизига жаҳон бойлигининг 45 фоизи тегишли. 5 фоиз энг бадавлат инсонлар 70 фоиз бойликка эга. 10 фоиз энг таъминланган фуқароларига жаҳоннинг 82 фоиз бойлиги, аксарият кўпчиликда эса (90 фоиз) атиги 18 фоиз жаҳон бойлиги мавжуд. Глобал капиталлашув бор кучгайрати билан ушбу ҳолатни бартараф этишига интилоқмоқда. Бунинг оқибатида эса 2008-2009 йиллардаги молиявий инқироз юзага келди.

Жаҳон бойлигини ташкил этувчи 361 триллион АҚШ долларидан 1,35 триллион ёки 0,37 фоизи Туркия улушига тўғри келади. 2018 йилда бу улуш 0,45 фоизга тенг эди.



2003 йилдан бошлаб Туркияга хорижий сармоянинг келиши оқими боис иқтисодиёт 7 фоизга ўсишига олиб келди, мамлакатда аҳолининг даромади ортди. Ички бозорга йўналтирилган ва мулк бозорига "кўлик"ни юзага келтирган бундай ўсиш тенденциясидан сўнг стагнация ва рецессия ҳолати юзага келди ҳамда хорижий маблағларнинг кирими камайиб борди. 2018 йилдан бошлаб Туркия миллий даромади қисқариб борди, шунда мулк нархи арзонлашди, лира эса фаровонлик даражасига катта зарба берди.

Credit Suisse ҳисоботига

кўра, 2018 йил ўрталаридан бошланган инқироздан сўнг Туркиянинг йўқотилган бойликлари ҳажми йилига 257 миллиард АҚШ долларига етди (2019 йил ўрталарига қадар). ХВФ маълумотига кўра, Туркиянинг умумий ЯИМ ва аҳоли жон бошига нисбатан ЯИМ кўрсаткичи 744 миллиард 8960 АҚШ долларига тушиб қолган. Турк лирасининг қиймати бир йил ичидан 20 фоизга пасайиши мамлакат бойлигининг тўртдан уч қисми ҳисобланмиш хусусий мулкларнинг нархи камайиши ҳисобига бутун давлат бойлигининг 16 фоизи бой берилишига сабаб бўлди.

Ҳўш, Туркияда бойлик тўпланиши айнан хусусий мулкка эга бўлиш билан боғлиқли-

Credit Suisse маълумотларига кўра, 2018 йилда Туркияда 10 фоиз энг катта капиталлар эгаларига мамлакатдаги жаҳон бойлик (1,6 триллион АҚШ долларининг 81 фоизи тегишли бўлган, энг бадавлат шахсларнинг 5 ва 1 фоизда эса 71 ва 54 фоиз бойлик мавжуд эди. Давом этаётган инқироз оқибатида бой берилган 257 миллиард АҚШ долларлик бойлик, яъни 2019 йилда 10 фоиз йирик компанияларнинг 70 фоиз бойлигига раҳна солинганини билдирса, айна вақтда 1 фоиз энг йирик компанияларнинг 42,5 фоиз бойлиги йўқотилганини аниқлатади.

Туркиядаги Gini index – иқтисодий нотенгликни ҳисоблашда қўлланиладиган статистик кўрсаткичи 79 фоизга қисқарди. Ўтган йили бу кўрсаткич 87 фоизни ташкил этганди. Gini index кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, нотенглик даражаси шунчалик баландда бўлади. 100 фоиз – бу энг ёмон кўрсаткич дегани. Сезиларли даражада ўзгариш қайд этилган бўлса-да, Туркияда бойликдаги нотенглик даражаси ривожланаётган мамлакатлар орасида энг ёмон натижалардан бири ҳисобланмоқда.

Фаровонлик даражасидаги нотенгликнинг ортиши аксарият вақтларда сиёсий мақом ва ҳокимиятда нотенглик даражаси ўсганлигини акс эттиради. Фаровонлик кўрсаткичида миллий ва халқаро даражадаги ўзгаришларнинг кўпайиши бутун дунё давлатларида оммавий қаршиликлар ва ижтимоий курашларни юзага келтириши мумкин. Бу ҳаракатлар эса бошқарувда демократиядан авторитаризмга ўтиб кетиш омилиларни кучайтиради. Нотенглик муаммосини бартараф этишдан бош тортаётганлар асосан репрессив режимга ўтиш орқали аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган масалаларни ҳал этишни эмас, балки глобал даражадаги зиддият ва тартибсизликларни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин.

“ЁЛҒИЗОЁҚ ЙЎЛ”ДАН ЮРАЁТГАН ҚАҲРАМОН

Маълумки, банк тизимида ишлаётган соҳа ходимлари ичида адабиётга меҳри бўлакча инсонлар ҳамда теварак оламни адбона тасаввур қилиб қалам тебратадиган ижодкорлар талайгина. Уларнинг айримлари камтарлик қилиб, ижодини ҳаваскорона деб билади. Бироқ, улар орасида ёзувчи-шоирлардан қолишмайдиган, бадий диди юқори кишилар ҳам учраб туради. Ана шундайлардан бири – Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Қаюм Собировдир.



У 1970 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топган. Соҳани яхши таҳлил эта оладиган иқтисодчи. У Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Тошкент иқтисодиёт университетида таҳсил олган. Шунинг баробарида бадий ижодга ҳам вақт ажратиб, ҳикояларини, публицистик мақолаларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб боради.

Қаюм Собировнинг 2016 йилда хотира ва ҳикоялардан иборат “Отанинг излари” ҳамда жорий йил “Ёлғизоёқ йўл” номли китоблари нашрдан чиққан. У ҳаётга нафақат иқтисодчи сифатида, балки ёзувчи кўзи билан ҳам назар ташлайди. Жамиятдаги ютуқ ва камчиликларни ўзига хос илғайди.

Қаюм Собировнинг бадий тасвир усули оддий, содда, раван. Демократик, ҳамма-боп, ҳеч ким тушунмайдиган модернистик усуллардан қочади. Қаҳрамонлари ҳам сизу бизга ўхшаган оддий одамлар. Уларнинг устига юклардан ташвишлари ҳам осмон қадар эмас – оддий. Ҳамма гап оддийликда. Ёзувчилар орасида шу вақтгача табиатни ва инсон ички оламини оддий тасвирлаган кишилар ютган. Уларнинг асарлари халқ ичида тез “ҳазм” бўлади.

Бу тегарак дунёда умуминсоний аҳамият касб этадиган фойдалар жуда кўп. Бу умуминсоний унсурлар муайян бир миллатга ёки элатга ё давлатга хос бўлмайди, балки барчага, бутун дунё халқига тааллуқли бўлади. Шундай умуминсоний соҳа – адабиётдир. Қаюм Собиров ана шу адабиёт ичиди. Адабиёт нафақат тафаккурлаш, балки инсоннинг ботиний қувватларини созлаш билан боғлиқ узвий заруратдиган соҳадир.

Дарҳақиқат, ички сезгимиз, ботинимиз ўзимиз тўғримида ҳаммаси ҳис-туйғу билан боғлиқ. Унда барча саволларга жавоб топамиз. У биз билан баҳслашиши мумкин, лекин истагимизга қарши чиқмайди.

Шунингдек, ботиний онгимиз юрак уришимизни, ташвишлар ўткинчилигини англаиб, теваракка ёзувчи нигоҳи билан назар ташлашимизни истаиди.

Қаюм Собировнинг “Ёлғизоёқ йўл” қиссасида ёзувчи одамларни шукр қилишга, куйфронни неъмат қилмасликка, садоқат ва вафога чорлайди.

Ўз фикрини етказишда турли ижодкорларнинг турлича услуби бор. Қаюм Собиров ҳам “Ёлғизоёқ йўл” қиссасида ўзига хос услубда тарих билан ҳозирги замонни боғлашга ҳаракат қилган. У ўз фикрларини баъзан жиддий, баъзан юмор шаклида етказишга уринган ва буни уҳдасидан чиққан.

Мазкур асарда образлар орқали аксарият инсонларнинг иллатлари устидан кўнади. Китобхон беихтиёр ҳам кулади, ҳам тарбия олади, ҳам эстетик завқ олади. Китобхонлик маданиятига келсак, бугунги кунда бутун дунёда китоб ўқишдай гўзал амал биров оқсаётгандек кўринади. Лекин, Қаюм Собировга ўхшаган кишилар бор экан, ҳали кўп китоблар ўқиб, улар устиди мулоҳаза юритамиз ва театрларда сахна асарларини томоша қилиб фикрлашамиз. Ҳа, бугун “нон ва томоша” билан қаноатланувчи ва шунгагина интилувчи бирорботга айланган кишилар фаросатининг программа билан ишлайдиган сунъий интеллектдан фарқи йўқ. Чин маънодаги ақлли инсон эса ўз ҳаётининг маъноси билан қизиқувчи, уни топишга интилувчи кишидир. Китоб – маънавият булоғи. Маънавият ҳамма нарса орқали кишига онни-шуурига сингиб боради. Шунингдек “маънавият” сўзини худа-бехуда қўллавериш ҳам унинг қадрини тушириб юборади. Маънавиятни ҳар ким ҳар хил қабул қилади. Бу эса кишиларнинг информацион феъл-атвори, маданиятига, ўзи тушунадиган қадриятига боғлиқ.


Ёзувчининг маҳорати шундаки, бу китобдаги айрим ҳикояларни сахна асарига айлантирса ҳам бўлади. Чунки китобдаги ҳикояларнинг маҳзи тўқ, образлари куюқ ва ҳар бир персонажнинг ўз айтар сўзи бор...

Одам боласи тасаввур қила оладиган энг катта тарих хоҳ Курраи Замин ҳаётига тааллуқли, хоҳ фазовий миқёсга эга бўлсин - абадият ва чексизлик олдида битта лаҳзани ташкил этади, холос. Қаюм Собиров ёзувчи ўлароқ ана лаҳзадаги муҳим ҳолатларни тугиб қолишга ҳаракат қилган. Дарвоқе, одамнинг номутаносиблиги ҳақида фикр қилаётиб, Блез Паскаль унинг Борлиққа нисбатан ҳеч вақо

эмаслигини ва лекин кўз илғамас зарраларга нисбатан бутун бошли Борлиқ эканлигини эътироф этганида, ҳар ҳолда ҳақ эди. Одам боласининг ҳаётдаги лаҳзалар ҳам, агар ўзига хос равишда истифода этилган ва қандайдир ноёб жиҳатларга эга бўлса, асрларга татигуликдир. Кўп ҳолларда ана шундай лаҳзаларда дунёга келадиган мулоҳазалар асрлар давомида жамиятнинг илғор фикрларига негизлик қилади. Жаҳон адабиёти ва фалсафаси тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, турли давр ва мамлакатларда маълуму-машҳур саналган фозилу фузалолар риоя этиб келган ажойиб бир анъананинг гувоҳи бўламиз: қайсики, ҳаётларига ва ижодларига мансуб энг ноёб фикр ва мулоҳазаларнинг аксариятини улар аввало ўз ёзишмаларида ва кундаликларида истифода этганлар. Бу фикр-мулоҳазалар ўз навбатида Жаҳон адабиёти ва фалсафаси хазинасини ҳамма вақт бойитиб келган. Бундай жиҳат ўзбек зиёлиларига, жумладан Қаюм Собировнинг асари қаҳрамонларига ҳам хосдир. Асқад Мухторнинг “Тафаккур”да ёритилган “Тундалиқлар”ини эсланг. “Кўнгил ослоҳотлари” ҳамда “Ихтиёр” сарлавҳалари остида “Миллий тиклиши”да босилган Мухаммад Исмоилнинг кундаликлари ҳам ўқувчиларга манзур бўлган эди. Сўнг, раҳматли Озод ака Шарафуддинов ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журнали зие аҳлига олам-олам суур бағишлади. Журналнинг Уткир Хошимов қоралган “Дафтар хошиясидаги биткилар”и босилган сони ҳам ўқувчиларга манзур бўлган эди.

Қаюм Собировнинг ҳикояларидаги айрим эпизодлар ана шу мутолаа завқини эслатиб юборади. Қалбимизнинг зах тортган кунжақларига (ойнинг шуълалари ғор туйнугидан мўралаган мисол) ўша кувонч эпкинлари оқиб киради. Бир шаффоф эпкинки, бу асарларни ўқиғач, шунинг муқобилидаги асарларни қидириб қоласиз.

Бизни кўпроқ шоҳасарига Булгаков янги чорак асрлаб сайқал берган, бошқаларга ўхшаб ёзганларидан қониқиб кетавермайдиган ижодкорлар ўзига тортади. Бундай (яъни маънодаги) қониқмаслик туйғуси ўта ноёб фазилат бўлиб, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аслида-ку, ҳамма нарса рисоладагидек бўлса ҳам, одам боласининг кўнгли барибир тўлмайди. Унга барибир нимадир етишмайди. Фақатгина, ҳа фақатгина ўша етишмаётган нарсаларини аслларинингига хоҳлашга, ўткинчи нарсаларга боғлиниб қолмасликка ўрганиш керак экан. Одам боласининг ғаройиблиги ҳам, унинг айнан мана шу қониқмаслик лаёқатида бўлса ажаб эмас. Бу жиҳат, айниса ажаб ишларига хос экани табиий ҳолдир. Ўз қадрини, имкониётлари даражасини би-



ладиган ижодкор, ҳеч замонда яратиб бўлган асарлари билан чекланиб қолмайди... Бизнинг назаримизда Қаюм Собировда ҳам ёзганларига қониқмаслик туйғуси бор. Бу эса уни янада ижодга чорлайди, изланишга чақиради. Албатта ёзганларидан қониқиб – туйғуси хавфли. Чунки бунда ёзувчи тўхтаб қолади, қотиб қолади.

Қаюм Собировнинг “Ёлғизоёқ йўл” қиссасида қаҳрамон тилидан бир шеър айтади. Ўша шеър бизга яқин ўтмишдаги аччиқ қисматимизни, миллий ўзлиқдан мосуво бўлиб адашганимизни эслатади. Бу сахнанинг фониди ўтмишда юртимизга кўз тиккан барча босқинчи империялар тўғрисида мулоҳаза қилади.

Қаюм Собировнинг “Қисмат” ҳикояси ҳам тарбиявий аҳамиятга эгаллиги билан ўқувчини ўзига тортади. Энг қизиғи бу ҳикояда жамиятда жуда кўп такрорланадиган вафосизлик, лавфсизлик борасида муноқаша бор.

Ёзувчи ҳикояларида қаламга олинган нафосат борасида гап кетганда, аввало унутмаслик жоизки, нафосатга оид маҳсулларнинг энг биринчиси ва нафислардан нафиси ҳам инсоннинг ўзидир. Негадир, истаган соҳамизга, истаган ҳодисага эътиборни қаратамиз-да, инсонни унутамиз. Аслида, инсон ҳақида бош қотиришимиз керак бўлади. Зеро адабиётнинг вазифаси шудир. Табиатда инсондан мукаммалроқ ҳеч нимарса йўқдир. Ўша мукаммаликни ерга уриб хор этиш ҳам, тақомилига етказиб, жамикки бошқаларидан юксакроқ даражага кўтариш ҳам одамдаги назокатга, яъни унинг бор ёки йўқлигига боғлиқ. Назокат инсонийликнинг кўрки, зийнати ва баҳоси йўқ бойлигидир. Аслзодалар назокатлари, бу дегани, табиатларидидаги яқсон этиб бўлмайдиган нафосатга мойилликлари билан алоҳида ажралиб турардилар... Шу маънода Қаюм Собиров инсондаги нафосат туйғусига кўпроқ ургу беради.

Буни ёзувчилар яхши билади, аслида характер яратиш

жуда қийин. Кўп ёзувчилар асарларида характер йўқ. Характер яратишнинг ўзи мукамал ёзувчилик белгиси. Қаюм Собировнинг “Тоға” ҳикоясида эса характер бор. Ҳа, кишлоқча феълли, одамлар танийдиган характер.

Бу асарлар бугунги реализм, бугунги одамлар қиёфаси. Нафсиларини айтганда, хотирадан маҳрум ҳаёт – ҳаёт эмас, ўзини ифода эта олмайдиган инсоний тафаккур – тафаккур эмас. Маълумингиз бўлса, бадий адабиётда, қадим-қадимдан истифода этиб келинган “калейдоскоп” услуби бор. Шарқ мамлакатларида “Минг бир кеча”, Ғарбда–Гофман эртақларида ёрқин из қолдирган бу жанр. Бу Америка адабиётининг отаси, машҳур “Рип Ван Винкль” муаллифи Вашингтон Ирвиннинг Ислом маданиятига бағишланган тарихий “Альгамбра” асарида янада тақомилига етиб, келгусида янги–XX аср адабиётида муваффақият билан давом эттирилишига замин яратилган. Ҳар ҳолда Артур Конан Дойл яратган қаҳрамонлар – ҳаммамизга яхши таниш бўлган Шерлок Холмс ва Доктор Ватсонларнинг “калейдоскоп”лари орқали замонавий адабиётдан мазкур жанр узил-кесил ўрин олган. Қаюм Собировнинг айрим ҳикояларида ҳам ана шундай “калейдоскоп” яратишга уриниб бор.

Мухтасар қилиб айтганда, Қаюм Собиров асарлари тўғрисида сўз юритаётиб, бежиз мақолани “Ёлғизоёқ йўл”дан юраётган қаҳрамон” деб номламадик. Чунки, бошқа соҳада бўла туриб, ўзини адабиёт оламига дахлдор санаб, умрини, вақтини адабиётга бағишлаш ҳам ҳозирги замонда ўзига хос қаҳрамонликдир. Биз – газета таҳририяти ходимлари ҳамда бир гуруҳ ақлида адабиёт ахли Қаюм Собировга оқ йўл ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Шу билан бирга яқинлашиб келаётган Янги йилда иқтисодчи-ёзувчидан янада янги нарсалар кутиб қоламиз!

БУ ҚИЗИК

Саёҳат ҳақида сўз кетганда, европаликлар шимолий давлатларга, жумладан, Норвегияга саёҳат қилишни жуда қиммат ҳисоблашади. Vestifinance.ru маълум қилишича, фақат Норвегиягина эмас, балки Европанинг бошқа шимол давлатлари ҳам арзон эмас.

1. Амстердамда тунаш учун икки кишига 534,51£ маблағ тўғри келади.

Шаҳарнинг эътиборга лойиқ Рейксмузеум, Винсента Ван Гога музейи, Шаҳар музейи, Амстеледаги Эрмитаж, (Де Валлен) қизил фонарли кварталларга ҳар йили 4,2 млн турист келади. Амстердам каналларида сузиб юрвчи уйлар бўлиб, булар байрам, дам олиш кунлари нафақат нидерландликларни, балки бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб қилади.

2. Осло шаҳрида икки кишига тунаш учун 510,47 £ маблағ кетади.

Маданий обидалар кўпли-



ЕВРОПАДА ТУНАШ НАРХИ ҚАНЧА?

гидан Осло шаҳри сайёҳлар учун сеvimлидир. Шаҳарнинг бошланиши – қалъа ва қаср ҳисобланган Акерсхус шаҳрига сайёҳлар энг кўп ташриф буюради. Шаҳарда Норвегиянинг ҳарбий тарихи акс этган музейлар мавжуд. Иккинчи ўринни Хольменколлендаги чанги трамплини эгаллайди. Истироҳат боғлари ичида Вигеланда ҳайкаллар боғи ажралиб туради. У ерда ҳайкалтарош Густав Вигеланд ижодига доир 227 та ҳайкал қад кўтарган.

3. Рейкьявик шаҳрида икки

кишилик тунаш учун 509,64£ маблағ кетади.

Рейкьявик Исландиянинг пойтахти бўлиб, у мамлакатнинг сайёҳлик дарвозаси ҳисобланади. Шаҳар оролнинг энг катта шаҳри бўлишига қарамаздан, уни ярим кун ичида айланиб чиқса бўлади.

4. Копенгаген шаҳрида икки кишига тунаш учун 470,60 £ маблағ кетади.

Скандинавиянинг ушбу шаҳри Ханс Кристиан Андерсеннинг шаҳри деб танилган. Даниянинг пойтахти санал-

ган бу шаҳарга сайёҳлар кўп ташриф буюради. Копенгагенда тор кўчлар, ажойиб безатилган соҳил бўйлари, яшил боғлар мавжуд. Бу шаҳар Европанинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланиб, унда кўплаб қалъалар, қасрлар, ибодатхоналар ва музейлар бор.

5. Венеция шаҳрида тунаш учун икки кишига 423,03£ маблағ кетади.

Шаҳарнинг меъморий кўриниши Венеция республикасининг XIV-XVI асрларига

тўғри келади. Қадимий обидалар ЮНЕСКОнинг рўйхатига кирган. Венеция шаҳри илмий-маърифий марказ сифатида қадрланади.

6. Дублин шаҳрида икки кишилик тунаш учун 388,17 £ маблағ кетади.

Дублинда ёши 100 йилга тенглашган қадимий обидалар ва ҳайкаллар мавжуд. Булардан Дублин қалъаси қирол Иоан Безземельной томонидан 1204 йилда бунёд этилган. Шунингдек, сайёҳлар Полпенни пиёдалар кўпригини хуш кўришади.

7. Хельсинки шаҳрида икки кишилик тунаш учун 387,36 £ маблағ кетади.

Хельсинки 715 кв. км. майдонни эгаллаб, ороллари билан 1140 кв. км.ни ташкил қилади. У Финляндиянинг илмий-маърифий марказидир. Ушбу шаҳар Финляндиянинг йирик порт шаҳридир.

Асал ЗИЯДУЛЛАЕВА,
“Агробанк” АТБ ходимаси
Самарқанд вилояти
Гўзалкент шаҳри

ЎРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг

ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ЎСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“МАТБУОТ TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)

“САЙЁР 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича муҳоаза учун

Тел. :
(998) 97 776 60 18
71 234 43 18

Факс:
(998) 71-234-43-18.

E-mail:
info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУХАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Умид ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102

Ахборот кумаги
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ
Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankakhborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_akhborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Газета таҳририятнинг техник ускуналарига саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат езма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунни чиқади.

Буюртма № г 1203
Адади 1706 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 04.12.2019 й.,
123456

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.